



12.12.2022 даги

"Жаҳон Килич" МЧЖ ва Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 775500000,00 сўм умумий суммага тузилган 16 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий газна хисобварак

110  
401722860332207065200110016

сўмда

| 2022 й. ойлар номи.    | Харажатлар тури**<br>(бюджет таснифининг тегишли коди) |  |  | Жами                  |
|------------------------|--|--|--|-----------------------|
|                        | 4233100  |  |  |                       |
| Январь                 |  |  |  |                       |
| Февраль                |  |  |  |                       |
| Март                   |  |  |  |                       |
| Апрель                 |  |  |  |                       |
| Май                    |  |  |  |                       |
| Июнь                   |  |  |  |                       |
| Июль                   |  |  |  |                       |
| Август                 |  |  |  |                       |
| Сентябрь               |  |  |  |                       |
| Октябрь                |  |  |  |                       |
| Ноябрь                 |  |  |  |                       |
| Декабрь                | 775 500 000,00   |  |  | 775 500 000,00        |
| <b>Жами йил бўйича</b> | <b>775 500 000,00</b>                                  |  |  | <b>775 500 000,00</b> |

Жами 775500000,00 сўм

Етти юз етмиш беш миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 232650000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан

70 % \*\*\* 20.12.2022 ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига — % жорий ойнинг — санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).



Буортмачи бўш бухгалтери

Газначилик бўлинмасининг  
ходими кабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Рузметов Азад Камонович  
Ф.И.Ш.

Кушназаров Камилжон  
Ф.И.Ш.

Буортмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

## Пудрат шартномаси 16-сон

Хазорасп тумани

12.12.2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармасиномидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги А.Рўзметов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “JAXON QILICH” МСНЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Р.Абдуллаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**IX. Таърифлар****Мазкуршартномада таърифларқўлланилади:**

**“ижро хужжатлари”:** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда жорий таъмирлаш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

**“жорий таъмирлаш майдони”:** Мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг жорий таъмирлаш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилаб кўйилади.

**“вақтинчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан жорий таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:** Сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**“шартномани нархини бўлиб чикиш”:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолдашартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ "ХАЗОРАСП ТУМАНИ КАМОЛАТ МАҲАЛЛАСИДАГИ ЙУЛЛАРНИ АСФАЛЬТ КИЛИШ. ЁШЛАР КУЧАСИ 281-ҮЙДАН ЁШЛАР КУЧАСИ 2-ҮЙГАЧА КУЧАЛАРИ ИЧКИ ХУЖАЛИК АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРНИ 0,946 КМ ҚИСМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ "объекти бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш-таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил 07- декабрдаги лот раками- 201877 конкурсе комиссияси баённомаси) билан тасдикланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиги билан 775 500 000 (Етти юз етмиш беш миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисоблашади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- капитал таъмирлашкимати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг капитал таъмирлаши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

3.3. Жорий таъмираш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 фоизини ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- жорий таъмираш майдонига зарур жорий таъмираш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, жорий таъмираш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- жорий таъмираш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- жорий таъмираш таваккалчилигини сугурта қилиш.

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда жорий таъмираш майдонини ўзига тегишли жорий таъмираш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, жорий таъмираш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактингчалик бинолардан бўшатиш;

- жорий таъмираш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

- жорий таъмираш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (жорий таъмираш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишига топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган жорий таъмираш майдонини объект жорий таъмираши ва жорий таъмираш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий жорий таъмирашда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс берин ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир куничидан пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Тендер натижаси бўйича аникланган жорий таъмирлашнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади. Умумий шартномани амал қилиш муддати 31.12.2022 йил.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоиз микдорида аванс ўtkазади, бу **232 650 000 (Икки юз уттиз икки миллион олти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади, колган маблағни бажарилган ишлар далолатномасига асосан, пропорционал равишда ушлаб қолади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2-илова).

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектда физик бажарилган ишларнинг умумий жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилади.

7.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми (Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб) жорий таъмирлаш тугалланиб, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килинган кундан бошлаб мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5 фоизи микдорида амалга оширилади:

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 15 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишида хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи жорий таъмирлаш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачи номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган капитал таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишида катнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилиган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажарини мустакил равишида ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини жорий таъмирлашда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Жорий таъмирлаш обьектида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи жорий таъмирлаш обьектини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бирвақтда Пудратчига ортиқча капитал таъмирлаш ахлатини чиқариш учун ср майдони беради.

8.8. Буюртмачи обьектни бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда жорий таъмирлаш обьектини тақдимэтади.

8.9. Жорий таъмирлаш обьектида ишларни бажариш даврида мухандислик коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан ўрнатиладиган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.10. Пудратчи ўзи томонидан жорий таъмирлашда кўлланиладиган жорий таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.11. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва жорий таъмирлашда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

8.12. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг жорий таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.13. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.14. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бухақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг жорий таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.15. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва жорий таъмирлаш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбушартнома 8.14.бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузатаолмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.16. Пудратчи жорий таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўчаполосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озодасаклайди, жорий таъмирлаш даврида майдонда жорий таъмирлаш ахлатини Буюртмачитомонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.17. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боялиқ тўхтаб қолишлар, жорий таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жорий таъмирлашни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён қиласи.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этишчора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **IX. Ишлариниқўриқлаш**

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан жорий таъмирлаш тугаллагунча ва жорий таъмирлаш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган жорий таъмирлаш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар жорий таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулкларни зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Капитал таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

11.1. Жорий таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаши тугалланган объектни фойдаланишига қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ўнкун мобайнода қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи жорий таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

### **12.1. Пудратчи:**

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;

- лойиха хужжатлари ҳамда жорий таъмирлаш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан жорий таъмирлаш учун қўлланиладиган жорий таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда мұхандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2. Объект ва унга кирадиган мұхандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларниң кафолат муддати томонлар жорий таъмирлаши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш түғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати 24 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нұқсонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нұқсонларни бартараф этиш даврига үзайтирилади. Нұқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нұқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилған ишларидаги нұқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарининг камчилікларини далолатномада күрсатилған муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нұқсонлар ва чала ишлар күрсатилған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш жорий таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларниң ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартноманибекорқилиши**

#### **13.1. Буюртмачи:**

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига boglik бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан биройдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан биройдан ортиқ муддатта кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари жорий таъмирлаш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилганишларниң сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **13.2. Пудратчи:**

- ишларниң бажарилиши Пудратчига boglik бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган жорий таъмирлаш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилған ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилған фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларниң мулкий жавобгарлиги**

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилған зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида,

бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоякилмаганлиги, ўз вактида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечикирилган ҳар бир куннинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилганишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош торган сумманинг 10 фоизи микдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, жорий таъмиглаш мөърлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи капитал таъмилашда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган тараф иккинчи тарафга килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларининг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## **XV. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ.**

15.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

15.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) га йўл кўймайдилар.

15.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиши соҳасидаги амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя етиш баробарида куйидагиларга йўл кўймаслик мажбуриятини оладилар: - пора бериш, шунингдек ушбу жиноятта воситачилик килиш; - товламачилик, ёки бошқа ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш; - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

15.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рагбатлантиришининг ҳар кандай шаклини рад етадилар. жумладан: - тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совгалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рагбатлантирадиган томон фойдасига ҳар кандай ҳаракатни бажариши.

15.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга нокулайликлар тутдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

15.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя килмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон килингандек, шартноманинг

15.1- бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир йетилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашини соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиласидар.

#### XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби

16.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чикилади.

#### XVII. Алоҳида шартлар

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2. Пудратчи жорий таъмирлаш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий хисобланади.

17.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин жорий таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи жорий таъмирлаш майдонини бўшатиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

17.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

#### XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

“Хазорасп тумани Ободонлаштириш  
бошқармаси

Хазорасп тумани А.Навоий кўчаси1-үй

Телефон: (62)33-21-870

ш/хр: 401722860332207065200110016

СТИР 206944002

ОКЭД:61110

Молия вазирлиги ягона ғазиа хисоб вараги

х/р: 23402000300100001010

Банк М/Б ХККМ Тошкент шахри

МФО 00014

ИИН:201122919

Бошлиқ:

А.Рузметов

М.У.



“JAXON QILICH” МСНЖ

Манзили: Хазорасп тумани Г.Гулом кучаси 33  
уй

Банк: ТИФ Миллий банк Хазорасп филиали  
Х/Р: 20208000400859081001

МФО: 00860

ИИН: 305418004

ОКЭД: 41202



Р.Абдуллаев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

NP3665201662

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: XAZORASP TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 13.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Hazorasp tuman  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti:



**S.S.MATNAZAROVA**

13.12.2022



**ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУГУРТАЛАШ БҮЙИЧА  
0014924- СОНЛИ СУГУРТА ПОЛИСИ**

|  |  |  |
|--|--|--|
| 1. Сугурта килдирувчининг номи                             | “Jaxon Qilich” MCHJ  |  |
| 2. Қурилиш обьекти   | Хазарасп тумани Камолот Махалласидаги йошлар кучаси 281- уйдан Йошлар Кучаси 2-уйгача 94бм. кисмини жорий таъмирлаш.лойиханинг смета кисми бўйича.   |  |
| 3. Қурилиш олиб борилаётган Манзил                         | Хазарасп тумани “Камолот” М.Ф.Й  |  |
| 4. Қурилиш баҳоси  | 775 500 000(етти юз етмини беш миллион беш юз минг ) сум   |  |
| 5. Сугурталанган хавфлар (калтисликлар) ва сугурта пуллари | -Ҳар кандай кутимаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ходисалар натижасида сугурталанган муддизнинг шикастланниши ёки побуд бўлишига сабаб бўлувчи хакикатда содир буладиган воеалар, яъни ёнгин, чақмок, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўндан ёниш, ўтирилик ва учинчи шахсларнинг касдлан содир этган харикатлари, сув тошини ва сув босиши, кувурларнинг ёришини, бурон, дувола, зингизла, сел, кўчки, тупроқиниң чўкиши, ўтирилиш, кулаш, киска туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари, машина ва механизmlар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг кулааб тушиши, нуксонли материаллар ва конструкцияларни онгтиз равницида кўллашдан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж иншларнин амалтада оширишида учинчи шахслар олдинга фукаролик жавобгарлигининг пайдо бўлишидан. | Сугурта пули<br><br>620 400 000 (олти юз йигирма миллион турт юз минг) сум (ракам ва ёзув билан)<br><br>80% (саксон) |
| Шу жумладан:   | Моддий зарар   |  |
|  | Жавобгарлик  |  |
| 6. Сугурта полиси муддати                                  | 2022 йил «14»декабрдан 2023 йил «13» декабргача  |  |
| 7. Сугурта мукофоти:                                       | 1 985 280 (бир миллион туккиз юз саксон беш минг икки юз саксон) сум.  |  |
| 8. Шартсанз Франшиза                                       | ( ) сўм.<br>(ракам ва ёзув билан)  |  |

“Ўзагросугурта” АЖ

Хазорасп сугурта маркази  
(видоят дирекцияси)



Сугурта килдирувчи:

Сугурта кондаси билан танишдим, полисин асл нусхасини олдим.

2022 й. «14» декабр

Р. Абдулжаманов

M. ў.



(имо)

М.ў.

6. Сугурта полиси муддати

2022 йил «14»

UA 0014924